Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 23 октябрь, шанба • №85 (11.680) • Эркин нархда сотилади

**• Вилоят фаоллари йиғилиши**

## Камчиликларни тугатиб, режа ижросини таъминлайлик

**Кеча Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «2004 йилнинг тўққиз ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва жорий йил прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.**

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, бошқармалар, банклар раҳбарлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, корхоналар, тадбиркорлик субъектлари ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Фаоллар йиғилишини вилоят ҳокими Козим Тўлаганов бошқарди.

Йиғилиш қатнашчилари вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Абдуҳамид Йўлдошев ва Шавкат Қосимовларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари, макроиқтисодий кўрсаткичлар ва давлат бюджетининг кутилаётган ижроси, инвестиция дастурлари ва 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврига тайёрлашга, коммунал хизмат сифатини ошириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш масалаларига доир маърузаларини тинглаб, муҳокама қилишди.

Маърузаларни муҳокама қилишда вилоят Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси раиси Абобакир Худойберганов, халқ таълими бошқармаси бошлиғи Шукрулло Икромов, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлимининг раҳбари Раҳматхон Тиллаев, Оҳангарон туман ҳокими Маҳмуд Мирзабоев, «Тошвилоятгаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси раҳбари Зафар Мирсаидов, вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Зокир Мирзаев, «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбари Ҳамдам Саидаминов, соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбари Нурмат Отабековлар сўзга чиқишди.

Қайд қилиндики, ислоҳотларнинг изчиллик билан амалга оширилиши натижасида макроиқтисодий барқарорлик таъминланишига эришилмоқда. Тўққиз ойда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 109 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 109,2, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 111,7, капитал қўйилмалар 120, чакана савдо айланмаси 111,9, пуллик хизматлар 114,9 фоиз ўсиши таъминланди. Вилоятнинг экспорт салоҳияти 43,7 фоиз ошди. Ташқи савдо айланмасида 184,3 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди. Ижтимоий соҳаларда белгиланган дастурларни бажариш борасидаги ишлар кўлами ортиб бормоқда.

Шу билан бирга йиғилиш ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлардаги камчиликларни таҳлил қилиб, асосий эътиборни маҳаллийлаштириш дастурида кўзда тутилган лойиҳаларни тўлиқ амалга ошириш, дебитор ва кредитор қарзларни камайтириш, кичик бизнесни ривожлантириш, инвестиция дастури ижросини жадаллаштириш, коллежлар, лицейлар, мактаблар қурилишини, корхона ва ташкилотларнинг куз-қиш шароитларида барқарор ишлашини таъминлаш масалаларига қаратди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.




## Округ сайлов комиссиялари фаолиятига бағишланди

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳозиргача сайлов ҳужжатларининг барча муҳим намуналари ва шаклларини, округ ва участка сайлов комиссияларининг муҳрларини, шунингдек, сайлов ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сметасини ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни ишлаб чиқди ва ўз мажлисларида тасдиқлади. Бундан ташқари, мамлакатимиз бўйича Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 120 округ тузилди, округ сайлов комиссияларининг таркиби тасдиқланди.**

22 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари иштирокида ўтган республика семинари округ сайлов комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш масалаларига бағишланди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда уюштирилган ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда Сенатни шакллантириш юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг Ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев округ сайлов комиссияларининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга риоя этилишини таъминлаш борасидаги вазифалари ҳақида маъруза қилди. Округ сайлов комиссиялари ҳуқуқий

(Давоми 2-бетда).



**Вилоятимиз шаҳар ва туманларида бўлажак сайловларга тайёргарлик тобора қизғин тус олмоқда.**

Сайлов округлари ва участкаларида сайловчилар сони аниқланиб, уларнинг рўйхатлари тузилмоқда, аҳоли ўртасида сайлов қонунчилиги талаблари тушунтирилмоқда. Жумладан, халқ депутатлари Оҳангарон туман кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси аъзолари қишлоқларга чиқиб, сайловчилар билан тушунтириш ишларини режали ташкил этишаётир.

***СУРАТДА:*** *туман сайлов комиссияси раиси Турғун Абдилазов (ўртада) комиссия аъзолари Гулшода Ўролова ва Миршоҳид Мирюнусов билан навбатдаги ишларни режалаштираётир.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

***• Пахта – 2004***



## Ҳосил бор, имкониятлар етарли

### Фақат йиғим-теримда ташкилотчилик кучайтирилса, уюшқоқлик таъминланса, мавсум муваффақиятли якунланади

Вилоятда пахта йиғим-терими ҳал қилувчи босқичга кирди. Барча туманларда биринчи терим тугаб, иккинчи терим давом эттирилмоқда. Кунига вилоят бўйича 3200 тоннадан ошириб ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Бошқача қилиб айтганда, кунлик суръат 1,10 фоиз атрофида бўлаётир. Мавсум бошидан буён тайёрланган пахта эса, 22 октябрь ҳолатига 229038 тоннага етди. Бу йиллик режанинг 83,29 фоизига тенг.

Пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотлардан кўриниб турибдики, йиғим-терим бошидан пухта ташкил этилган туманлар шартнома мажбуриятида белгиланган маррага яқинлашиб қолди. Жумладан, Бўка, Оққўрғон, Пскент туманларида кунига йиллик режага нисбатан 1,20-1,40 фоиз миқдорида пахта хом ашёси тайёрлашга эришилмоқда.

Бироқ, айрим туманлар вилоятнинг умумий пахта хирмони тезроқ юксалишига муносиб ҳисса қўша олмаяпти. Хусусан, Бекобод ва Янгийўл туманларида режа эндигина 66-67 фоизга борганига қарамай, улар кунлик суръатда ҳам энг орқада (0,80-0,90 фоиз) бормоқда. Ҳолбуки, шартнома мажбуриятини 113,51 фоиз қилиб бажариб қўйган Чиноз туманида ўтган куни 1,52 фоиз миқдорида пахта тайёрланди. Бу — вилоят бўйича энг юқори суръат.

Шундай экан, вилоятни орқага тортаётган туманлар ташкилотчиликни кучайтиришлари, бор имкониятларни йиғим-теримга тўла сафарбар этишлари ва бу билан вилоятда мавсумнинг муваффақиятли якунланишига муносиб ҳисса қўшишлари лозим.

## Реклама ва замон

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитасининг Навоий вилоятида «Реклама ваноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда қўмита аъзолари ҳамда республика оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.**

Йиғилишни қўмита раиси Ўткир Ҳошимов бошқарди.

Мажлисда Навоий вилоятида ушбу қонун доирасида олиб борилаётган ишлар атрофлича муҳокама этилди. Эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам кўрсатилди.

Шунингдек, республикада фаолият олиб бораётган ҳар бир оммавий ахборот воситаси кўпроқ маҳаллий маҳсулот ва хизматларни реклама қилишлари лозимлиги таъкидланди. Мажлис сўнггида журналистлар ушбу қонун юзасидан берган саволларига мукаммал жавоблар олдилар.

**Камол ҒАЙРАТОВ.**

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» - СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ! Бизнинг индекс - 205.
Эслатиб ўтамиз: Обуна давом этмоқда

# Округ сайлов комиссиялари фаолиятига бағишланди

мавқеининг хусусияти шундан иборатки, улар округда сайлов кампаниясини бевосита ташкил этади. Шу билан бирга, тегишли ҳудудда сайловга доир қонунларнинг бажарилишини назорат қилади, уларнинг қоидалари ҳамма ерда бир хил қўлланилишини таъминлайди.

Қонунда округ сайлов комиссияларининг бир қатор ваколатлари белгиланган. Жумладан, округ сайлов комиссияси сайлов участкаларини тузади, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради. Маблағларни участка сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди. Участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ва сайлов округида сайловни моддий-техника жиҳатдан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади.

Шунингдек, округ сайлов комиссияси депутатликка номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплашга оид имзо варақаларини сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларидан қабул қилиб олади ва уларнинг тўғри тўлдирилганлигини текширади. Депутатликка номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитни таъминлайди. Хусусан, уларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради.

Округ сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини ҳам кузатиб боради. Сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади. Такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов ўтказилишини ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган даврда мамлакатимизнинг бутун ҳудудида сайлов тўғрисидаги миллий қонунлар талабларининг бир хил, аниқ ижро этилишини таъминлаш мақсадида сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг низом ва йўриқномалари тасдиқланди. Семинар иштирокчиларига сайлов тўғрисидаги миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, бошқа муҳим қўлланмалар билан биргаликда тарқатилган ушбу қонуности ҳужжатлари округ сайлов комиссиялари раислари, уларнинг ўринбосарлари, комиссия котиби ва аъзоларининг сайлов тўғрисидаги қонунларга мувофиқ ўз ваколатларини амалга ошириши билан боғлиқ масъулиятли жараёнда қўл келиши тайин.

Анжуманда Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари С.Хўжаеванинг ана шу низом ва йўриқномаларнинг мазмун-моҳияти ҳақидаги, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори А.Раҳмоновнинг фуқаролик жамияти ва сайловлар, Марказий сайлов комиссияси котиби О.Соатовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ташкиллаштириш ва молиялаштириш, Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратхўжаевнинг сайлов борасида ошкораликни таъминлаш масалалари ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари Б.Исмоиловнинг Ўзбекистон сайлов қонунчилиги хусусиятларига оид мавзулардаги маърузалари тингланди.

Дарвоқе, сайловга оид яна бир хабар. 26 октябрда Тошкент Давлат юридик институтида «Демократик сайловлар ўтказиш бўйича халқаро стандартлар ва Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтади. Бўлажак халқаро анжуман Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Ҳукуматининг БМТТД кўмаги остидаги тараққиётга ҳамкорлик кўрсатиш дастури ҳамда Японияннинг Нагоя университети билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# Тадбиркор аёллар ўқуви

**Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги «Ҳамдўстлик» аёллар клубида «Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш» мавзуида бир кунлик ўқув-машғулоти бўлиб ўтди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ)нинг Тошкентдаги маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу ўқувда вилоятимизда фаолият юритаётган тадбиркор аёллар ўз малакаларини оширдилар.**

— Ҳозир қўшма лойиҳа асосида ташкил этилаётган ўқув-машғулотларнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтмоқда, — дейди ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази бизнес мураббийси Татьяна Амирова. — Бундай тадбирларни республиканинг 8 та вилоятида ташкил этиш режалаштирилган эди. Тошкент вилояти сўнггисидир. Биринчи босқич ўтган йили бевосита вилоятларнинг туман ва қишлоқларига бориб ўтказилган эди. Унда асосан тадбиркор ва тадбиркор бўлишни истаган аёлларга ўқув-машғулоти ташкил этиб, уларга бизнеснинг асоси нималардан иборатлиги, кредит олиш, бозорни ўрганиш, бизнес-режа тузиш ва ишбилармонликнинг дастлабки фаолияти ҳақида кенг тушунчалар бериб, керакли қўлланмалар тарқатган эдик. Иккинчи босқичда ишлаб чиққан дастуримиздан ўрин олган мавзулар асосан тадбиркор аёлларимиздан келаётган хатлар ҳамда турли саволлар асосида белгиланди. Унга кўра семинар қатнашчиларига бизнеснинг анча мураккаб бўлган қонун-қоидаларини ўргатамиз ва республиканинг шу соҳага оид янги қонунлари хусусида ҳам уларга кенг тушунчалар берамиз.

Шу куни семинар қатнашчилари «Чет эл билан ишлаш тартиби», «Маҳсулотга нарх қўйиш», «Меҳнат шартномасини тузиш тартиблари», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиққа тортиш», «Маҳсулотларни сотиш техникаси» мавзуларида маърузалар тинглаб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар. Шунингдек, иштирокчиларга тадбиркорликнинг имтиёзлари ҳақидаги бир неча қўлланмалар топширилди. Яна шу ҳам таъкидландики, республика Хотин-қизлар қўмитаси қошида «Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш» қўшма лойиҳасининг ахборот маркази ташкил этилган. Унда бизнесга тегишли бўлган масалалар бўйича бевосита ёки телефон орқали бепул маслаҳатлар олиш мумкин. Марказнинг телефон рақами: **148-11-09**.

Ўқув-машғулот сўнггида тадбиркор аёлларга курсда таҳсил олганликлари ҳақидаги сертификатлар топширилди.

**Камолиддин АСҚАРОВ.**

# Эсдалик совғалари





**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тарғибот-ташвиқот гуруҳи пахта йиғим-терими иштирокчилари билан турли тадбир ва учрашувларни ташкиллаштирмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири Бўка туманида бўлиб ўтди.**

Ғаффор Азаматов номли ширкат хўжалигида ўтказилган тадбир давомида Ўзбекистон халқ артисти Ширин Азизова, Амир Темур илмий экспедицияси раҳбари Фахриддин Ашрафхўжаев, таниқли тележурналист Раҳимбой Жуманиёзов, ёш ижодкорлар Бобур Бобомурод, Луқмон Бўрихонларнинг чиқишлари кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Нодирабегим Жумоқова, Кимёхон Содиқхонова ижро этган қўшиқлар ёшларни даврага чорлади.

Тадбир сўнггида Ҳаракатнинг Марказий ва вилоят кенгашлари томонидан пахта йиғим-теримида фаол қатнашаётганларга ва бўкалик пахтакорларга эсдалик совғалари топширилди. Шу куни навбатдаги учрашув туманнинг чекка ҳудудида жойлашган Саймоқов номли ширкат хўжалигида ташкил этилди.

**Амрулло КАРИМОВ.**

***СУРАТЛАРДА:*** *учрашувдан лавҳалар.*




# Янги маркалар муомалада

«Ўзбекистон маркаси» очиқ акциядорлик жамияти атоқли адиб Абдулла Қодирийнинг бир юз ўн ва хушовоз хонанда Маъмуржон Узоқовнинг юз йиллиги муносабати билан янги почта маркаларини муомалага чиқарди.

Ўзбек адабиёти ва санъатининг буюк намоёндалари сиймоси акс эттирилган бу почта маркалари бутун дунё филателистларида катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

**ЎзА.**

# Тежалган қувват – нақд бойлик

**«Янги Ангрен электр станцияси» унитар корхонаси вилоятимиздаги энг йирик нурхона ҳисобланади. Мамлакатимиз энергетика саноатида ҳосил қилинаётган электр қувватининг 17,8 фоизи шу корхона улушига тўғри келади.**

Турли касбдаги 1810 нафар ишчи-хизматчини ўз сафига бирлаштирган жамоа электр қуввати ҳосил қилишни кўпайтириш, унинг таннархини арзонлаштириш, бунинг учун ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини такомиллаштириш ва тежамкорликни кучайтириш йўлида тинмай изланиш олиб бормоқда.

Корхонада асосан кўмир ва мазут ёқилади. Ҳар йили минглаб тонна шундай ёқилғи ва ёнилғи ишлатилиб, нур ҳосил қилинади. Энергетиклар ҳар бир киловатт-соат қувватни ҳосил қилиш учун бундай ашёлар сарфини камайтириш имкониятларини ишга солмоқдалар. Шу мақсадда учинчи ва еттинчи энергоблоклар тўла таъмирланди. Турбиналарнинг оқим ўтказиш тизимидаги ёқилғини жипслаб ёндирувчи қисмлари такомиллаштирилганлари билан алмаштирилди. Бу техникавий тадбир бир йилда уч ярим минг тоннадан ортиқ кўмирни тежаб қолиш имконини беради.

Еттинчи энергоблокда ҳаво иситгичлари алмаштирилди. Бу бир йилда салкам уч минг тонна ёқилғининг тежалишига олиб келади.

Станция ёнидаги Нуробод шаҳарчасини иссиқлик қуввати билан таъминлаш вазифаси ҳам нурчилар зиммасига юклатилган. Қиш мавсумига тайёргарликнинг бошланғани муносабати билан шаҳарчада етказиб берилаётган иссиқлик қувватидан фойдаланишнинг аҳволи текширилди. Нуробод шаҳар турар-жой-коммунал бошқармаси билан биргаликда амалга оширилган бу тадбир натижасида ҳар куни 70 тоннадан ортиқ қувват исроф бўлаётганлиги аниқланди. Бунга олиб келаётган нуқсонлар зудлик билан бартараф этилди.

Шу тадбирлар туфайли ўтган уч чорак давомида кўп миқдорда электр ва иссиқлик қуввати тежаб қолинди. Улар нурхонанинг ўзи ва шаҳарча эҳтиёжлари учун ишлатилмоқда. Бу анчагина маблағни тежашга ёрдам берди.

Нурхонада дебиторлик қарзларини камайтириш имкониятлари ҳам ишга солинмоқда. Шу мақсадда мижозлар билан ишлаш пухта йўлга қўйилди. Етказиб берилган қувват учун ҳисоб-китоб ишлари ой сайин кўриб чиқиляпти. Бу станция жамоаси хизматидан фойдаланувчи корхона-ташкилотларнинг қарзни узишга нисбатан масъулиятларини оширишга олиб келмоқда. Натижада дебитор қарздорлик йил бошидагига қараганда 77 фоизгача қисқарди. Айниқса, муддати ўтган қарзлар кескин озайди. Шундай чора-тадбирлар туфайли нурхонанинг молиявий аҳволи яхшиланди. Бу техника тараққиёти ва ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига маблағлар ажратишни енгиллаштирди, кредит қарзларнинг кўп қисмини узиш имконини берди.

**Собир ҲАМИДОВ.**

## Давра суҳбати

**«Оҳангарон шифер» ҳиссадорлик жамияти аъзолари бўлган хотин-қизлар учун давра суҳбати уюштирилди.**

Унда хотин-қизларнинг меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий ҳимояси масалалари юзасидан сўз борди. Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ҳалима Шамсихонова, «Соғлом авлод» жамғармаси шаҳар бўлими бошлиғи Насиба Абдуғаниева давлатимизнинг хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаб амалга ошираётган сиёсатининг моҳияти, ўз навбатида, аёллар зиммасидаги масъулият ҳамда бошқа долзарб масалалар хусусида фикр юритдилар.

Меҳнаткашлар ўзларини қизиқтирган савол ҳамда ўйлантираётган муаммоларни ўртага ташладилар. Давра суҳбати эркин мунозара руҳида ўтди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

**Тошкентдаги «Пойтахт» меҳмонхонасида Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги маркази томонидан «Марказий Осиё ҳудудида туризмни ривожлантириш» масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.**

## Сайёҳлик ривожига бағишланди

Суҳбатда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ҳамда Ўзбекистонда фаолият юритувчи 30 га яқин ишбилармон доиралар ва халқаро ташкилот вакиллари иштирок этишди. Унда асосий эътибор шу йилнинг 21-23 июль кунлари Олма-ота шаҳрида бўлиб ўтган ҳудудий семинар ишининг муҳокамаси, Марказий Осиёда туризм соҳаси орқали аҳолининг даромадларини ошириш, экотуризмни янги босқичга кўтариш, туризмнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларга қаратилди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

## Мини-банк — фермернинг кўмакчиси

**Пахта йиғим-терими мавсумини муваффақиятли ўтказиш, далада меҳнат унумдорлигини оширишга вилоятдаги тижорат банклари катта ҳисса қўшмоқда.**

— Туманимиздаги 430 дан ортиқ фермер — банкимиз мижози, — дейди «Пахтабанк»нинг Бекобод туманидаги Зафар бўлими бошқарувчиси Илҳом Боймуродов. — Айни пайтгача теримчиларга 238 миллион сўмдан ортиқ пул тарқатилди.

Жорий йилда туманимиздаги паст рентабелли олти ширкат хўжалиги тасарруфидаги ер фермерларга берилган эди. Янги фермерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тугатилган собиқ ширкат хўжаликлари ҳудудида мини-банклар очилди. Бу йиғим-терим қизғин пайтда фермернинг узоғини яқин, оғирини енгил қиляпти.

Якунланаётган йилда деҳқон ва фермер хўжаликлари учун 200 миллион сўмга яқин кредит ажратилди.

**ЎзА.**

***• Қарор ва ижро***

# Банкни четлаб ўтаётган миллионлар

## ёки айрим «тадбиркор»ларнинг ўз манфаатини кўзлаб иқтисодиётимизга етказаётган зарари ҳақида

**Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганидан сўнг орадан ўтган икки йилдан зиёд вақт ичида савдо-тижорат тармоқларида нақд пул тушуми ва банкка топширилишида қатъий тартиб ўрнатиш чоралари янада кучайди. Бу борада мамлакат солиқ тизими ходимларининг саъй-ҳаракатлари, айниқса, яхши самара беряпти.**

**Мухбиримиз вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Мирзоҳид Комилов билан Вазирлар Маҳкамасининг қарори вилоят савдо-тижорат тармоқларида қандай ижро этилаётгани ҳақида суҳбатлашди.**

**— Мирзоҳид Мирсобитович, республика ҳукуматининг ушбу қарори мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш ва янада мустаҳкамлашга қаратилган ғоят муҳим ҳужжат эканлиги шубҳасиз. Унинг ижросига оид саъй-ҳаракатлар асосан қайси йўналишларда олиб борилмоқда?**

— Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартиришга қаратилган ҳукумат қарори тегишли ташкилотлар қатори давлат солиқ хизмати идоралари зиммасига ҳам катта ва масъулиятли вазифа юклайди. Бошқармамиз ходимлари ана шу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда асосан тўрт йўналиш, яъни беистисно барча савдо-тижорат объектларида назорат касса машиналари ўрнатилиши ва кундалик тушумларнинг ушбу кассалардан сўзсиз ўтказилиши, нақд пул маблағларининг ўз вақтида банкларга топширилиши, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида хронометраж-мониторинг ўтказиш ва ниҳоят хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хуфёна ишлаб чиқариш билан шуғулланишга чек қўйиш бўйича изчил фаолият юритмоқдалар.

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида тез сотиладиган харидоргир халқ истеъмоли молларини сотиб олиш учун Марказий банк томонидан хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этилган пул маблағларини ўтказиб, сотувдан тушган нақд пулларни банкларга тўлиқ топширишга, аҳоли билан нақд пулли ҳисоб-китоблар назорат касса машинаси орқали амалга оширилиши қандай аҳволда эканлигини аниқлаш мақсадида 1251 та юридик ва жисмоний шахс фаолияти текширилганда, улардан 1209 тасида нақд пул тушуми ҳамда уларни банкка тўлиқ кирим қилиш масалалари билан боғлиқ қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

**— Бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг аксарияти назорат касса машиналари масаласи билан боғлиқ бўлса керак?**

— Тўғри айтдингиз. Савдо-тижорат ходимларининг кўпчилиги назорат касса машиналарини ўрнатишни ёқтиришмайди. Ўрнатганлари эса иложи борича, ундан фойдаланмасликка уринадилар. Хусусан, шу йилнинг ўзида 543 та хўжалик юритувчи субъект касса машинасини ўрнатмай, ўрнатганлари эса, улардан, шунингдек, квитанциялардан фойдаланмай, 1 миллиард 186 миллион 532 минг сўмлик савдо қилганлиги ва пулли хизмат кўрсатганлиги аниқланди. Жумладан, Оҳангарон ҳудудида фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Жумагул Иброҳимова дўконига «Меркурий-115-F» назорат касса машинаси ўрнатилган-у, аммо ундан ҳар доим ҳам фойдаланавермайди. Акс ҳолда савдодан тушган 4 миллион 125 минг сўм пулни касса машинасидан ўтказмаган ва устига-устак банкка топширмаганини қандай изоҳлаш мумкин. Текширув натижаларига оид ҳужжатлар Оҳангарон шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлимига юборилиб, жиноий иш қўзғатилди.

Бўстонлиқ туманидаги «Ғазалкент ОАФ» корхонасига қарашли ошхонанинг бош ошпази М. Маминова назорат касса машинасини ўрнатмай, хўрандаларга бемалол хизмат қилаётганини аниқлаб, фаолияти текшириб кўрилганда, сал кам 2 миллион сўм нақд пул назорат касса машинасидан ўтказилмай, ўзлаштирилгани маълум бўлди. Бундай ноқонуний хатти-ҳаракат учун эса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима жазо чораси қўлланилди.

**— Пул тушумларини банкка вақтида ва тўлиқ топширмаслик нақд пул маблағларининг банкдан ташқаридаги айланмасини кучайтириб юборувчи иллатдир. Ҳозир вилоятимизда бу борадаги аҳвол қандай?**

— Ҳукумат қарорининг ижросига қатъий киришилгандан сўнг бу соҳадаги вазият бирмунча тартибга туша бошлади. Аммо, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини кескин камайтириш учун ҳали кўп иш қилиш керак бўлади. Хусусан, 2004 йил давомида изчил ўтказиб келинган текширувларнинг натижалари шундай хулоса чиқаришни тақозо этади. Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган тўққиз ой давомида 589 та хўжалик юритувчи субъектга 2 миллиард 785 миллион 988 минг сўм нақд пул банкларга ўз вақтида топширилмаган. Айниқса, Қибрай тумани ва Чирчиқ шаҳридаги қонунбузарликлар билан танишган кишининг хайратдан ёқа ушлаши турган гап.

Масалан, Қибрай туман ҳокимлигининг 2003 йил 22 майдаги 682-қарори билан рўйхатдан ўтган «Сарали» хусусий корхонаси раҳбари Ф. Аҳмедов ва унинг ҳамроҳлари жами 965 миллион 599 минг 362 сўмлик маъданли сув, кир совуни, чой, тухум, цемент, гўштли консерва каби тез ва чаққон сотиладиган маҳсулотларни пул ўтказиш йўли билан олиб, шаҳар бозорларида сотишган ва нақд пулга айлантиришган. Лекин, афсуски, 1 миллиард сўмга яқин ана шу нақд пул назорат касса машиналаридан ҳам ўтказилмай, банкларга ҳам топширилмай, тўлиқ ўзлаштириб юборилган. Шу қонунбузарлик ҳолати юзасидан тўпланган ҳужжатларга асосан солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими томонидан жиноий иш қўзғатилди.

Чирчиқ шаҳридаги «Юртекс ёрдамчи» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ф. Нефедов ва таъсисчи У. Йўлдошев «Шароб савдо» корхонасига алкоголли ичимликлар олиш учун 409 миллион 497 минг сўм пул ўтказганлар. Бироқ уларни сотишдан тушган нақд пул ҳисоб рақамига ўтмаган. Бу қонунбузарлик юзасидан ҳам шаҳар солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлимига топширилган ҳужжатларга мувофиқ жиноий иш қўзғатилди.

Умуман, тўққиз ой давомида нақд пул билан ҳисоб-китоб ишларини амалга оширган, бироқ, назорат касса машиналари ва квитанциялардан фойдаланмаган юридик шахсларга нисбатан 186 миллион 751 минг сўм ва жисмоний шахсларга нисбатан 115 миллион 191 минг сўм, шунингдек, нақд пул маблағини банкка тўлиқ топширмаган юридик шахсларга нисбатан 1 миллиард 421 миллион 490 минг сўм, жисмоний шахсларга эса 70 миллион 580 минг сўм, жами 1 миллиард 810 миллион 606 минг сўм жарима жазо чораси қўлланилди.

Қонунбузарлик ҳолатларини содир этган 584 шахсга нисбатан 17 миллиард 195 миллион сўм жарима чораси кўрилиб, 470 та текширув натижалари бўйича ҳужжатлар суд идораларига, 161 та текширув ҳужжатлари республика Бош прокуратураси солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаментининг ҳудудий бўлинмаларига юборилди, 40 ҳолат бўйича эса, жиноят иши қўзғатилди.

**— Савдо ва пулли хизмат кўрсатиш субъектларида ўтказилаётган хронометраж-мониторинг қандай самара бераяпти?**

— Дарвоқе, назорат тадбирларининг бу усули жойларда нақд пул тушумларини банк кассаларига кирим қилишни кўпайтиришда жуда қўл келаяпти. Бунинг исботи учун айтишим мумкинки, ўтган тўққиз ойда 8698 та хўжалик юритувчи субъектнинг турғун савдо ва хизмат объектларида хронометраж-мониторинг ўтказилган куни олдинги кундагига нисбатан 306 миллион 282 минг сўм кўп нақд пул маблағлари банкка кирим қилинишига эришилди.

Тасаввур ҳосил қилиш учун аниқ мисол келтирмоқчиман. Ўртачирчиқ туманидаги «Ширин» хусусий фирмасида мониторинг ўтказилганидан бир кун олдин савдо тушуми 500 минг сўм бўлиб, хронометраж-мониторинг куни эса, 1 миллион 500 минг сўм, яъни уч баравар кўп тушум тушган. Тошкент туманидаги тадбиркор И. Ёқубовнинг савдо шахобчасида ўтказилган хронометраж-мониторингда бир кун олдингига нисбатан 19 миллион сўмдан кўпроқ қўшимча нақд пул банкка кирим қилинди.

Бундан кейин ҳам ҳукумат қарори ижросини таъминлаш мақсадида юқорида тилга олиб ўтилган йўналишларда назорат тадбирлари изчил давом эттирилади. Савдодан тушган нақд пулни банкка топширмай, назорат касса машинасини ишлатмай, мўмай даромад кўраман, деб юрганлар билиб қўйишлари лозимки, бу қинғир ишлар учун бир кунмас-бир кун жавоб беришларига ва йирик миқдорда жарима тўлашларига тўғри келади.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.**

• Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport •

*Осиё чемпионлар табақаси*

# Финалга бир қадам

**Ярим финалга чиққан тўрт жамоа дастлабки учрашувларини ўтказди. Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Жанубий Кореянинг «Сеонгинам Чунма» жамоаси меҳмони бўлди.**

Бу учрашувда япониялик ҳакамлар хизмат қилдилар. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларида майдон эгалари ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Пахтакорчилар эса, қарши ҳужум билан майдон эгалари дарвозабонини безовта қилиб турдилар. Аммо ўйиннинг биринчи ярмида жамоалар ҳисобни очолмади. Танаффусдан сўнг Вячеслав Пономаревга нисбатан қўполлик ишлатгани учун 19-рақамдаги ўйинчига ҳакам иккинчи бор сариқ карточка кўрсатиб, майдондан четлатди. Пахтакорчиларнинг ҳужумлари ўйин охиригача давом этди, бироқ самарали якунланмади ва учрашув 0:0 ҳисобида ниҳоясига етди. Тажмурод Агамуродов шогирдлари ўз олдиларига қўйган вазифани уддалаб, дуранг натижани қўлга киритдилар. Энди 27 октябрда «Пахтакор» ўйингоҳида ўтказиладиган жавоб учрашувида ўйлаймизки, «Пахтакор» таркиби тажрибали ҳужумчи Владимир Шишелов иштирокида янада кучаяди ва ғалабага эришиш имконияти ортади.



Ғолиблик учун курашаётган Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоаси Жанубий Кореянинг Чонбук Моторс жамоаси билан ўз майдонида баҳс юритиб, 2:1 ҳисобида зафар қучди.

**Таълат ЮСУПОВ.**

# Инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлида

**Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлардан кўзланган мақсад аввало фуқаролар манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган.**

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши фуқаролар ҳуқуқларини амалда тўла ҳимоялаш тизими шаклланишига замин яратяпти.

Айни вақтда юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор институтлар, давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳам иш олиб боряпти. Тошкент давлат юридик институти ҳузурида фаолият юритаётган Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази шулардан биридир.

БМТ Қочоқлар масаласи бўйича Олий Комиссарининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда 1996 йилда ташкил этилган мазкур марказда инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ халқаро ҳуқуқий нормалар ва миллий қонунчиликка оид билимларни такомиллаштириш борасида илмий изланишлар олиб борилаяпти.

Айни кунларда марказда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган тренинглар ўтказиляпти. Навбатдаги машғулот Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бўлими билан бирга ташкил этилди.

Тренингда инсон ҳуқуқларига оид халқаро меъёрий ҳужжатлар ҳамда уларнинг амалда қўлланилиши, шунингдек, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда эркин ҳаракатланиш асослари ҳақида атрофлича тушунтириш берилди.

**ЎзА мухбири.**

# Совриндорлар аниқланди

**Тошкент вилоятидаги 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўсмирлар ўртасида турон якка кураши бўйича мазкур таълим даргоҳи биринчилиги бўлиб ўтди.**

Унда Акром Йўлдошхўжаев, Маҳмуд Исроилов, Акбар Шаҳронов, Шаҳзод Тешабоев ҳамда Алишер Абдураимов ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни қўлга киритишди.

**ЎзА.**

# Болалар спорти — доимий эътиборда

**Пскент туманидаги 28-ўрта мактаб спорт зали тубдан қайта таъмирланди.**

Бунинг учун 31 миллион сўм, спорт анжомлари учун эса 3,5 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бу маблағ Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилди.

Келгуси йилда 1-ўрта мактаб спорт залини қайтадан таъмирлаш кўзда тутилган. Ҳомийлар ҳозирданоқ маблағ ажратишни бошладилар. Чунончи, «Кенаф-Чехия» қўшма корхонаси 100 минг сўм ажратди.

**Хуршида МЎМИНОВА.**

# Олимпиада муваффақиятли давом этмоқда

**14 октябрь куни Испаниянинг Калвия шаҳрида шахмат бўйича бошланган XXXVI жаҳон шахмат олимпиадаси қизғин давом этмоқда. Эркаклар ўртасидаги баҳсларда 129 давлат терма жамоаси иштирок этаётган бўлса, аёллар баҳсида саксон етти мамлакат вакилалари ғолиблик учун дона сураётир.**

Испаниядаги баҳслар, айниқса, эркаклар жамоаси учун омадли кечмоқда. Дастлабки икки турда жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов мусобақада иштирок этмаган бўлса-да, ҳамюртларимиздан Алексей Барсов, Темур Гареев ва Антон Филиппов Гондурас терма жамоаси шахматчиларини мағлубиятга учратди. Владимир Егин эса рақиби билан дуранг ўйнади.

Жамоалар рейтинг жадвалида ўттизинчи ўринда қайд этилган Ўзбекистон кейинги икки учрашувни рўйхатнинг юқори поғоналаридан жой олган Беларусь ва АҚШ терма жамоаларига қарши ўтказди.

Бешинчи тур якунларига кўра, бешта учрашувдан тўрттасида ғолиб чиқиб, 13 очко жамғарган терма жамоамиз 129 мамлакат орасида ўн еттинчи поғонани эгаллаб турибди. Олтинчи турда шахматчиларимиз кубаликлар билан куч синашади.

Ҳозирча, аёллар терма жамоаси саксон етти мамлакат ўртасида ўттиз еттинчи ўринда бормоқда.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

# Огоҳ бўлинг, грипп!

**ГРИПП — юқумли касалликларнинг энг кўп тарқалган турларидан бири ҳисобланади.**

У вақти-вақти билан эпидемия ва пендемия шаклида бутун ер юзида тарқалиб туради. Унинг тез тарқалиши тананинг бошқа касалликларга бўлган кучрашувчанлигининг сусайишига, юрак-қон-томир касалликлари келиб чиқишига сабаб бўлади.

Бу касаллик бошқа ўткир вируси касалликлар каби бутун йил давомида учраб туриши мумкин. Унинг авж олиши куз мавсумида бошланади. Озиқ-овқат маҳсулотларида В ва С витаминларининг камайиши, одамларнинг кўпроқ бинолар ичида бўлиши грипп касаллигининг кўпайишига олиб келади. Шунинг учун кузги-қишки мавсумларда ишхона, болалар боғчалари, мактаблар ва даволаш-профилактика муассасаларида касаллик тез тарқалади.

Гриппнинг илк аломатлари касаллик юққандан 1-2 кундан сўнг намоён бўлади. Унинг бошланиши шиддатли кечади. Қаттиқ бош оғриғи, бош айланиши, дармонсизлик пайдо бўлади, бўғинларда ҳам оғриқ туради, тана ҳарорати 39-40 даражагача кўтарилади. Худди шу пайтдан бошлаб юқори нафас йўлларининг яллиғланиши, яъни йўтал, аксириш, тумов кузатилади. 3-4 кундан сўнг тана ҳарорати пасаяди, лекин дармонсизлик ва бўғинлардаги оғриқлар давом этади. Асоратсиз кечган гриппда 5-7 кундан сўнг тўлиқ соғайиш кузатилади.

Касаллик юқишининг олдини олиш мақсадида бемор билан мулоқотда бўлган катта ёшдагилар ремантадин, оксалин суртмаси ва дибазол қабул қилиб туришлари зарур. Эпидемия пайтида эса юқорида санаб ўтилган дори-дармонларни гриппга қарши эмланмаган барча аҳоли қабул қилиши зарур.

Шунингдек, тананинг касалликка бўлган қаршилигини ошириш мақсадида «Гексавит», «Ревит», «Декамевит» каби витаминларни қабул қилиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Грипп касаллиги юқмаслигини таъминлаш учун уйда кундалик таомлар қаторига овқатланиш жараёнига пиёз, саримсоқ пиёз, лимон, малина каби сабзавот ва меваларни киритиш лозим.

Кўп йиллар давомида синалган исириқ тутуни ҳам юқори самара беришини таъкидлаб ўтиш жоиз. Иссиқ кийиниш, айниқса, оёқни доимо иссиқ ушлашга ҳаракат қилиш зарур.

**Феруза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги «Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 209-сонли қарорига мувофиқ, паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси, 2004 йил 12 октябрь куни ўтказилган танлов натижасига кўра**

**1.** Тошкент вилояти, Қорақалпоқ қишлоғи, Ёшлик қўрғонида жойлашган «Ирригатор» ОАЖнинг устав жамғармасидаги 26 фоиз давлат активига тегишли улуш бўйича, бир ярим йил муддат ичида жами 36 300,0 минг сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти билан;

**2.** Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар, Аббасова кўчаси, 23-уйда жойлашган «Металлист» ОАЖнинг устав жамғармасидаги 25 фоиз давлат активига тегишли улуш бўйича, бир ярим йил муддат ичида жами 52 000,0 минг сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти билан;

**3.** Тошкент вилояти, Пскент шаҳар, А. Темур кўчаси, 117-уйда жойлашган «Пскент киновидео» ОАЖнинг устав жамғармасидаги 70,98 фоиз давлат активига тегишли улуш бўйича, бир ярим йил муддат ичида жами 54445,0 минг сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти билан;

**4.** Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Дўстлик қишлоғида жойлашган «2-сон кўчма механизациялашган колонна» — давлат объекти бўйича бир ярим йил муддат ичида жами 100 000,0 минг сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти билан;

**5.** Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Кендерсой қишлоғида жойлашган «Наврўз» болалар соғломлаштириш оромгоҳи — давлат объекти бўйича бир йил муддат ичида жами 25 000,0 минг сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти билан;

**6.** Тошкент вилояти, Юқори-чирчиқ тумани, «Ийк ота» ширкат хўжалигида жойлашган «Ийк ота кундузги стационар» — давлат объекти бўйича бир йил муддат ичида жами 7000,0 минг сўм миқдорида инвестиция киритиш мажбурияти билан инвесторларга берилганлигини маълум қилади.




РОССИЯ:

## УЧРАШУВДАН СЎНГ

Пайшанба куни кечқурун Россия Федерацияси президентининг Жанубий федерал округ бўйича мухтор вакили Дмитрий Козак Черкесскка борди. У Карачаево-Черкесскнинг 10 дан 11 октябрга ўтар кечаси йўқолган етти нафар аҳолиси қариндошлари билан учрашди. Мулоқотдан сўнг, йўқолган кишиларнинг яқинлари ўзлари эгаллаб турган республика ҳукумат уйини тарк этдилар.

АҚШ:

## САККИЗ ЙИЛЛИК ЖАЗО

Ироқдаги «Абу Ғраиб» қамоқхонаси маҳкумларини хўрлашда иштирок этган АҚШ армияси сержанти Айван Фредерик саккиз йил озодликдан маҳрум этилди. Суд ҳукмига кўра, 38 ёшли бу ҳарбий хизматчининг унвони оддий аскарликкача туширилиб, маошлари мусодара қилинган ва ҳуқуқ ҳамда имтиёзлардан маҳрум этилган ҳолда армиядан бўшатилди.

ЯҚИН ШАРҚ:

## УЙ ВАЙРОН ҚИЛИНДИ

Жумага ўтар кечаси Исроил авиацияси Ғазо минтақаси шимолидаги Жебалия қочоқлар қўналғаси «Халқ қаршилик қўмиталари» гуруҳи раҳбарининг уйига ракета зарбаси берди. Кўрганларнинг гувоҳлик беришича, фаластинлик террорчининг уйи вайрон бўлган, аммо Амир Кармут ва унинг оила аъзолари омон қолганлар.

БЕЛАРУСЬ:

## ҚОТИЛЛИК БОИСИ НИМА?

Беларуслик журналист аёл Вероника Черкасова ҳаётига қилинган тажовуз маиший сабабларга асосланган қотиллик деб тахмин қилинмоқда. Ички ишлар бошқармаси вакилининг сўзларига қараганда, «бундай вахшиёна қотилликни фақат руҳан носоғлом ёки эс-ҳушини йўқотган одамгина амалга ошириши мумкин». Зеро, жиноятчи Черкасова танасига 25 та тиғли жароҳат етказган.

БУЮК БРИТАНИЯ:

## СУД ҲУКМИГА БОҒЛИҚ

Лондон Олий судига оғир хасталанган гўдакнинг оламдан кўз юмишига имкон беришни сўраб ёзилган навбатдаги илтимосанома тушди. Сўнгги ой мобайнида бу ерда иккинчи маротаба ана шундай иш кўрилаяпти. Шов-шувга сабаб бўлаётган нарса шуки, октябрь ойи бошида шунга ўхшаш ишни кўрган суд ўн бир ойлик қизалоқ яна нафас олишдан тўхтаса, уни қайта жонлантирмаслик ҳақида ҳукм чиқарганди.

## ҚАЙСИ ДАВЛАТНИ ЁҚТИРАСИЗ?

Халқаро «Гэллап интернэшнл» ташкилоти жаҳоннинг 60 мамлакатида яшовчи 50 минг фуқаро ўртасида сўров ўтказди. Улардан ягона бир саволга жавоб бериш — бугунги дунёда қайси давлатни ёқтириши ва ёқтирмаслигини айтиш илтимос қилинди. Ёқтирмаслик соҳасида АҚШ биринчи ўринни эгаллади. Сўралганларнинг 34 фоизи уни ёмон кўришини баён қилган. Иккинчи ўринни эса Россия (25 фоиз) олган. Уларнинг кўпчилиги Ғарбий европаликлар. Англия эса Россиядан кейинги ўринда. Италия ва Канадани ёқтирмовчилар нисбатан кам экан. Сўров натижасига кўра улар 11 ва 8 фоиз экан.

Шарҳловчиларнинг фикрича, одамлар одатда катта ва кучли давлатларни ёқтирмайдилар, деб ёзади «Труд» газетаси.

● *Шарҳловчи минбари*

# Судан тинчлиги – қитъа тинчлиги

**Ливия пойтахти Триполи шаҳрида Африка мамлакатларининг саммити якунланди. Унда Ливия, Судан, Чад ва Миср раҳбарлари иштирок этди.**

Анжуман иштирокчилари асосий эътиборни Суданнинг Дарфур вилоятида юзага келган тангликка қаратди. Бундан ташқари, қитъадаги қашшоқлик, соғлиқни сақлаш борасидаги муаммолар, қочқинлар тақдирини ҳал этиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Саммитда Судан ҳукумати вакиллари билан бирга исёнчи гуруҳ раҳбарлари ҳам иштирок этди. Мақсад – мамлакатдаги қонли тўқнашувларга barҳам бериш.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, 2003 йил февралдан буён давом этиб келаётган беқарорлик оқибатида етмиш мингдан зиёд одам қурбон бўлган. Миллионга яқин одам бошпанасиз қолиб, қочқинга айланган. Айни пайтда уларнинг аксарияти кўшни Чад ҳудудидаги лагерларда жон сақламоқда.

Дарфурдаги инқироз жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Шу боис муаммони тинч йўл билан ҳал этиш мақсадида қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. БМТ Хавфсизлик кенгаши Судан ҳукуматига мурожаат қилиб, Дарфурдаги беқарорликка тезроқ чек қўйишни талаб қилди ва акс ҳолда, мамлакатга нисбатан жазо чоралари қўлланилишини билдирди. Аммо ҳозирча Судан ҳукумати вазиятни жиловлай олгани йўқ.

Халқаро кузатувчилар Дарфур муаммосига барҳам берилмас экан, бу можаро нафақат Судан, балки қитъадаги бошқа мамлакатлар учун ҳам салбий оқибатлар келтириб чиқаришини таъкидламоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнгги маълумотларига кўра, Дарфурда қуролли тўқнашувлар авж олиши, турли юқумли касалликлар тарқалиши ва очлик туфайли минглаб одам ҳаётдан кўз юммоқда. Бироқ Судан ташқи ишлар вазири Мустафо Усмон Исмоил буни рад этди.

Саммитда Африка иттифоқининг Дарфурдаги тинчликни сақлаш кучлари сонини кўпайтириш борасида расмий Хартум билан келишувга эришилди. Ноябрь охиригача бу ердаги халқаро кўшин сонини 4,5 мингга етказиш режалаштирилмоқда. Айни пайтда мамлакатга Руанда ва Нигериядан келган уч юз нафар ҳарбий фаолият кўрсатмоқда.

**Жасур КЕНГБОЕВ (ЎзА).**


*Европада бу каби қадимий қасрлар жуда кўп.*

Турфа олам

## ХОККЕЙ ДАРВОЗАБОНИ — АЁЛ

Австриянинг «Сейбрс» хоккей клуби голкипери, 33 ёшли Барбара Цеманн ўз ниятига етганидан мамнун. У мамлакат хоккей федерациясидан Ванинг «Фейервер» эркаклар хоккей жамоаси аъзоси бўлиш учун расмий ижозатнома олди. «Барбарада эркаклар билан тенг ўйнаш учун барча имкониятлар мавжуд», — дейди амалдорлар қарорини шарҳларкан федерация вакили Беттина Грассел.

## ТОЖ-МАҲАЛ ХАВФ ОСТИДА

Ҳиндистонда машҳур Тож-Маҳал мақбарасини тадқиқ этиш ишлари бошлаб юборилди. Мутахассисларнинг огоҳлантиришича, мазкур тарихий ёдгорлик аста-секин ер бағрига чўкиб бораяпти. Уларнинг таъкидлашига кўра, бунинг боиси мўъжизавий обида ёнидан оқиб ўтувчи Жамна дарёси эмиш. Гумбаз ва миноралар барқарорлигини таъминлаши лозим бўлган дарё тобора қуриб бораётганлиги учун энди ўз вазифасини ўта олмай қолибди.



## ОДАМГА ЎХШАШ МАВЖУДОТ

Олимлар Марказий Африкада фанга шу вақтгача маълум бўлмаган ва энг қизиғи инсонга ўхшаш улкан мавжудотни топдилар. Мутахассисларнинг фикрича у инсонларнинг янги тури бўлиши мумкин.



Бу тахмин тасдиқланса, деб хабар беради Жанубий Африканинг САПА агентлиги, сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида ёввойи табиатни тадқиқот қилиш соҳасида энг йирик кашфиёт бўлади. Бу сирли мавжудотни Конго Демократик Республикаси шимолидаги Бондо ва Били шаҳарлари яқинидаги ўрмон чакалакзорларида кўришган. Унга кўзи тушганларнинг айтишича ва олинган суратларга қараганда, бу жониворларнинг тумшуқлари кенг ва қора, баландлиги икки метрдан, вазни эса 100 килограммдан ортиқ.

Шундай гавдали гориллалар ҳам учрайди, бироқ сўз бораётган жой гориллалар яшайдиган маълум сарҳаддан 500 километр узоқда.

Турфа олам

*(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).*

● Шеърият

# Мустақил юртимнинг ширин фарзанди

Абдулла Маъдиев «Оққўрғон овози» туман газетасининг муҳаррири. 1840-1912 йилларда яшаб, ижод этган Юсуф Сарёмийнинг чеvараси. «Умрим зарварақлари» ва «Зулматдан зиё» китобларининг муаллифи. Қуйида унинг шеърларидан намуналар ўқийсиз.

## НАСИБАНГ БУТ БЎЛСИН

*Бировнинг дунёсин ҳисоблаш осон,*
*Унинг топганлари «туя» кўринар,*
*Тоғни талқон қилиб ютганинг билан,*
*Сенинг топганларинг «бия» кўринар.*

*Туя ҳам, бия ҳам аслида жонзот,*
*Барака қайсида, ким ҳам билади.*
*Ҳар иккисидан оппоқ сут олиб,*
*Кимдир қимиз, кимдир қимрон қилади.*

*Шунинг-чун, шукур қил топганингга сен,*
*Ҳар ким насибасин ўзи теради.*
*Буянг бир кун сутдан қолар, туянг-чи, балким,*
*Ўша кундан бошлаб қаймоқ беради.*

## СЕН ҲАЛИ...

*(неварамга)*

*Шунчалар гўзалсан, шунчалар гўзал,*
*Шунчалар асалсан, шунчалар асал.*
*Ҳали ёзилмаган бир ширин ғазал —*
*Мустақил юртимнинг ширин фарзанди.*

*Сени ҳали қанча Тоҳир суяди,*
*Муҳаббатин юрагига туяди.*
*Йўлларингда қанча Фарҳод куяди,*
*Мустақил юртимнинг ширин фарзанди.*

*Фарҳодга Ширин бўл, Тоҳирга Зуҳра,*
*Кўкда нур сочгувчи энг гўзал нуқра,*
*Чунки сен яралдинг гўзал, бокира,*
*Мустақил юртимнинг ширин фарзанди.*

*Ширин ҳаёт сенга, ширин замон ҳам,*
*Сенга ҳавас қилсин ҳатто жаҳон ҳам.*
*Умрингда — ҳаётда ҳеч бўлмасин ғам,*
*Мустақил юртимнинг ширин фарзанди.*

*Шундай замон келар, замон сеники,*
*Гўзал ҳаёт бўлар Асал қизники.*
*Қийинчилик бўлса, бўлсин бизники,*
*Мустақил юртимнинг ширин фарзанди.*

*Шунчалар гўзалсан, шунчалар гўзал,*
*Шунчалар асалсан, шунчалар асал.*
*Ҳали ёзилмаган бир ширин ғазал —*
*Мустақил юртимнинг ширин фарзанди.*

## ЮРТ ТИНЧ – ОЛАМ ТИНЧ

*Еганим олдимда, емаганим ҳам,*
*Бугун шодлигимдан кўзларимда нам.*
*Тилимга бир калом келади шу дам,*
*Оллоҳга шукурким, Оллоҳга шукур.*

*Элликка кирибман, кўзларимда ёш,*
*Кичкина бўлса ҳам жамоага бош.*
*Оғирга-енгилга бера олдим дош,*
*Оллоҳга шукурким, Оллоҳга шукур.*

*Вафоли ёр бўлди, нолимадим ҳеч,*
*Оиламдан кўнглим тўқдир эрта-кеч.*
*Шундай бахт оилам тарк этмасин ҳеч,*
*Оллоҳга шукурким, Оллоҳга шукур.*

*Тўрт фарзанд, тўрт томон кўнглим шод айлар,*
*Келинимни кутиб, неварам пойлар.*
*Дастурхонда доим тайёр кўк чойлар,*
*Оллоҳга шукурким, Оллоҳга шукур.*

*Юрт тинч, оилам тинч, ҳамма нарса мўл,*
*Уни топиш учун керак ҳалол қўл.*
*Шунга олиб келди Мустақиллик йўл,*
*Оллоҳга шукурким, Оллоҳга шукур.*

**Абдулла МАЪДИЕВ.**

● Турмуш чорраҳаларида

# Оила бахтини йўқотманг

Бирга ишлайдиган йигитлардан бири уйланди. Икки йилча тинчгина яшашди. Кейин уйларидан жанжал аримай қолди. Бу нотинчлик унинг юз-кўзидан билиниб турар, на ишида унум, на юриш-туришида хотиржамлик қолмаганди.

— Нима қилсам экан, — дея ҳасрат қилиб қолди бир куни Баҳодир. — Саида ойим билан айтишгани-айтишган. Сира ён бергиси келмайди, «хўп» дейишни билмайди. Икки гапнинг бирида «ё мени денг, ё онангизни» деб ҳоли-жонимга қўймаяпти. Ажралай десам, ўртада фарзандимиз бор.

Ҳайрон бўлдим. Чунки, Саидани танийман, яхши оиладан чиққан, ўқиган, тушунадиган аёл эди-ку. Унга нима бўлди? Ёки ёшлигига бориб, енгиллик қиляптими? Нега ёлғиз ўғил бўлган эрини бунчалик эзиб, қийнаяпти?

Очиғини айтганда, бировнинг турмушига аралашиш одобдан эмас. Аммо, эртасига тасодифан Саидани кўчада учратганимда Баҳодирнинг ҳасрати, онасининг аянчли қиёфасини эслаб, ўзимни боса олмадим.

— Саида, — дедим журъат қилиб, — онангизни яхши кўрасизми?

— Ҳа, албатта, — унинг кўзларида ҳайрат ифодаси пайдо бўлди. — Нега сўраяпсиз?

— Қайнонангизни-чи?

Саида нигоҳини олиб қочди.

— Эрингизнинг онасидан кечишини жудаям хоҳлайсизми? — дедим сўзимда давом этиб. — Нега индамайсиз? Майли сиз айтганча, эрингиз онасидан кечсин ҳам. Лекин, вақти келиб унга бошқа бир аёл учраса-ю, хотинингни қўйиб, менга уйлан деса, онасидан кечган кишининг сиздан кечмаслигига ишончингиз комилми? Ёки эрингиз «онангдан кечасан» деб ўзингиздан талаб қилса, нима қиласиз? Ўзингиз ҳам онасиз-ку, ахир.

Саидага бошқа бир оғиз ҳам гапирмасдан бурилиб кетдим.

Орадан анчагина вақт ўтгач, Баҳодир онасининг туғилган кунида ишхонадагиларни уйига таклиф қилди. Бордик, қайтаётганимизда, Саида секингина, фақат иккаламиз тушунадиган қилиб «раҳмат сизга» деди ва уялганидан қизариб ошхонага кириб кетди. Ҳозир уларнинг тинч, аҳил оиласига кўпчилик ҳавас қилади.

Яхшики Саида ўз вақтида эсхушини йиғиб олди. Лекин баъзи оилалар ёшларнинг енгилликлари, охирини ўйламай иш қилишлари оқибатида бузилиб кетяпти. Истагимиз, ҳеч ким оила бахтини йўқотмасин.

**К. ЭГАМБЕРДИЕВА.**



# МУТЛАҚО МАХФИЙ

(Воқеий қисса)

Туни билан уйқу бўлмади, албатта. Тонг ёриши билан Тошкентдан бирин-кетин уч вертолёт келиб майдончага қўнди. Уларнинг иккитаси ҳарбий нишонли бўлиб, йўловчилари ҳам ҳарбийлар эди. Бошқасида эса, 164-учув бўлинмасининг бошлиғи Шевердяев етиб келди. У хотиржам кўринса-да, ранги ўчган, кўзи ташвишли эди. Ҳарбий вертолётларнинг бири яна ҳавога парвоз қилиб, Борисов учган йўналиш бўйлаб учиб кетди. Иккинчи вертолёт эса, уч-тўртта қуролланган ҳарбийлар билан негадир қарама-қарши томонга йўл олди.

Келганлар тафтиш ишларию сўроқларни бошлаб юборишди. Мен билан Ҳусниддин Назаровнинг гидрометеорология хизматига ҳам, Аэрофлотга ҳам бевосита алоқадор эмаслигимизни аниқлашгач, суратга олинган фото, кинотасмаларни мусодара қилиб, бизга кетишга рухсат беришди. Бўлиб ўтган воқеалардан эзилганча, автомобиль йўлига каловланиб кетаётганимизда, бир майор бизни тўхтатиб:

— Вертолётга қўшимча ёқилғи олинганлигини кўрмаганмидинглар? — деди.

— Қанақа қўшимча ёқилғи?! — деди Ҳусниддин, жаҳлдан қипқизариб. — Ахир, ташилаётган юк оғирлиги туфайли бакдаги ёқилғи бир боришгагина етарди, холос!

— Ҳа! Ҳар рейсда бир мартадан, жуда оз миқдорда ёқилғи олган! — деб мен ҳам Ҳусниддиннинг гапини тасдиқладим. — Борисов вертолётда ҳеч қаёққа кетолмайди! — дедим ишонч билан.

Ўша куни, биздан кейин, икки вертолёт Чотқол тоғ тизмалари бўйлаб куни билан учиб, на вертолётдан ва на Борисовдан ному нишон топа олмаган. Кейинги кунлар, ҳафталарда ҳам худди шундай натижа бўлган. Бутун бошли вертолёт билан унинг сардори Борисов ва иккинчи учувчи бедарак йўқолган. Улар йўқдек, аслида бўлмагандек, ҳеч қандай из-пиз қолдирмай, сирли равишда йўқолган. Аммо бу ҳақда ҳеч қаерда, на Аэрофлотда ва на Гидрометмарказда лом-мим демай, расмий маълумотлар берилмай, гўё бу воқеа содир бўлмагандек эди. Шундай бўлсада, 164-учиш бўлинмасининг сардори, машҳур вертолётчи Г. Шевердяев ишдан олинди, Гидрометмарказ раҳбариятида ҳам ўзгаришлар юз берди. Ўша воқеа гувоҳи бўлганлар билан эса республика олимлари қизиқишиб, турли саволлар билан мурожаат қилиб туришди. Бироқ олимлар ҳам бирор аниқ фикр айтиша олмади.

Мени эса, кўп ўтмай, Краснодар шаҳрида жойлашган бир махфий институтнинг махсус вертолётлар лабораториясига бошлиқ қилиб тайинлашди. Ҳаётимда юз берган бу кескин ўзгаришга кўпчилик ҳавас қилди. Чунки мен курорт ўлкасига, Қора денгиз соҳилига яқин ерга ишга кетаётган эдим. Аммо мен буни сургун, бадарға деб билдим. Бундан ташқари, оилам ҳам бу кўчишдан норози бўлиб, хотиним бизга бегона бўлган бу шаҳарга кўчиб боришдан мутлақо бош тортди. Аҳволимни тўғри тушунган Иттифоқ вазири, бўлажак ишимда менинг кўп ўлкалар бўйлаб сафарда тез-тез бўлишимни назарда тутиб, бир-икки ой ичида менинг ихтиёримга Як-40 самолётини ажратажагини ваъда қилди. Шундай бўлса-да, кайфиятим ўта ёмон, она-юртимдан кетишни истамас эдим.

Краснодарга учадиган куним аэропортда кўққисдан Мурувват Комилбековага дуч келиб қолдим. Унинг ҳали ҳам истараси иссиқ, юзи тиниқ, табассуми мафтункор эди. Бироқ унинг биринчи гапи совуқ хабардан бошланди. Синфдошим онколог олим Акром Фозиловнинг қўлида Суннат Нурмуҳамедов вафот этганлигини айтди.

— У саратон касаллиги билан оғриган экан! Операциядан яхши чиқмабди... Суннат ДХҚда полковник экан. Акром уни операция қилаётганида, ҳатто ДХҚ бошлиғи Мелкумовнинг шахсан ўзи назорат қилиб турибди!..

Муруввватнинг гаплари қулоғимга кирмасди. У билан қачон ва қандай хайрлашганимни ҳам билмайман. Бошим қотиб қолди. Менинг тажриба ишларим пайтида, Сергелида диссертация ёқлашимда, Свердловскда «тўсатдан» Суннат учрашининг сабабларига энди тушунгандек эдим. Юрагим алланечук ғашланди. Сўнгги бор Москвада «Академия» меҳмонхонасида Суннат билан видолашаётганимизда унинг айтган охирги сўзларини эслаб, кўзим ёшланди...

Шундай тушкун аҳволда турганимда кимдир ортимдан мени кузатаётганини сездим. Қарасам, полковник Коченов билан кўзим тўқнашди. У табассум билан менга яқинлашди.

— Сени кузатишга чиқдим, — деди елкамга қўлини ташлаб. — Буфетга юр, бир «йўл оёқ» қиламиз!

Коченов билан кўп гаплаша олмадик. Эндигина юздан ичган ҳам эдикки, Краснодар йўналишини эълон қилиб қолишди. Шунда Коченовнинг ранги бироз ўзгариб, мени қучди-да, бағрига босди.

— Анча ўрганиб қолибман сенга. Юборгим келмаяпти, — деди у овози тўлқинланиб. Сўнгра кескин бурилиб, кўча эшигига йўналди. Коченовни ҳам бошқа кўрмадим. У ҳам кўп ўтмай, вафот этди.

6. САРГАРДОНЛИК

Краснодар аэродромига қўнган самолётимиз четга бурилиб, моторларни ўчирди. Пиллапоя қўйилиб, эшик очилиши билан учувчи кийимида кирган йигит менинг фамилиямни айтиб чақирди. Мен ўзимни танитгач, у мени ташқарига бошлади.

— Менинг фамилиям Илкун. Сизнинг лабораториянгизда катта илмий ходим бўлиб ишлайман, — деб йигит сал жилмайиб ўзини танитди. — Директоримиз Рязановнинг топшириғи билан сизни кутиб олгани ва меҳмонхонага жойлаштиргани чиқдим, — деб қўшиб қўйди.

**Аъзам АЗИМИЙ,**
**техника фанлари доктори,**
**профессор.**

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

(Давоми бор).




— Оғир касал 12-қаватда. Чиқақолинг доктор.

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 2-катталар таълим маркази томонидан 1999 йилда Мертаев Ринат Садиллаевич номига берилган UZC № 029528 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Халқ хўжалиги институти (ҳозирги Иқтисодиёт университети) томонидан 1979 йилда Мавлонходжаев Абдихалил Хафизович номига берилган ЖВ-I №155710 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Акмал Икромов туманидаги «МУСАФФО САВДО» (ОКПО 16044761, ОКОНХ 83200) хусусий фирмаси
**ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 74-88-34 телефон рақами орқали қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳар, Г-9 А кв-л. Фарҳод кўчаси.

1993 йил 7 январда Исхакова Фатима Гадиевна номига берилган, 08-01/9584 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

1993 йил 4 февралда Тенякшева Галина Ивановна номига берилган, 03-02/2939 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1148. Адади 5863. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 2 3 4 5 6